

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ,
РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ЭПИДЕМИОЛОГИЯ,
МИКРОБИОЛОГИЯ, ЮҚУМЛИ ВА ПАРАЗИТАР КАСАЛЛИКЛАР
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.30.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ЭПИДЕМИОЛОГИЯ,
МИКРОБИОЛОГИЯ, ЮҚУМЛИ ВА ПАРАЗИТАР КАСАЛЛИКЛАР
ИЛМИЙ - АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

ТУЙЧИЕВ ЖАЛОЛИДДИН ДЖАМАЛЛИТДИНОВИЧ

**COVID-19 ИНФЕКЦИЯСИДА РАЦИОНАЛ АНТИМИКРОБ ДАВОНИ
КЛИНИК-ПАТОГЕНЕТИК АСОСЛАШ**

14.00.10 – Юқумли касалликлар

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)

Contents of Dissertation Abstract of the Doctor of Science (DSc)

Туйчиев Жалолiddин Джамаллитдинович

COVID-19 инфекциясида рационал

антимикроб давони клиник-патогенетик асослаш..... 3

Туйчиев Жалолiddин Джамаллитдинович

Клинико-патогенетическое обоснование

рациональной антимикробной терапии при COVID-19..... 29

Tuychiev Jaloliddin Djamallitdinovich

Clinical and pathogenetic rationale for

optimized antimicrobial therapy in COVID-19..... 55

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works..... 60

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ,
РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ЭПИДЕМИОЛОГИЯ,
МИКРОБИОЛОГИЯ, ЮҚУМЛИ ВА ПАРАЗИТАР КАСАЛЛИКЛАР
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.30.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ЭПИДЕМИОЛОГИЯ,
МИКРОБИОЛОГИЯ, ЮҚУМЛИ ВА ПАРАЗИТАР КАСАЛЛИКЛАР
ИЛМИЙ - АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

ТУЙЧИЕВ ЖАЛОЛИДДИН ДЖАМАЛЛИТДИНОВИЧ

**COVID-19 ИНФЕКЦИЯСИДА РАЦИОНАЛ АНТИМИКРОБ ДАВОНИ
КЛИНИК-ПАТОГЕНЕТИК АСОСЛАШ**

14.00.10 – Юқумли касалликлар

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2025

Докторлик диссертация (DSc) мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2021.2.DSc/Tib560 рақам билан рўйхатга олинган.

Фан доктори диссертацияси Республика ихтисослаштирилган эпидемиология, микробиология, юқумли ва паразитар касалликлар илмий - амалий тиббиёт марказида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tma.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим портали (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Туйчиев Лазиз Надирович

тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Арипов Орифжон Абдумаликович

тиббиёт фанлари доктори, профессор

Ибадова Гулнара Алиевна

тиббиёт фанлари доктори, профессор

Кошеров Бахит Нургалиевна

тиббиёт фанлари доктори, профессор

(Қозоғистон Республикаси)

Етакчи ташкилот:

Самарқанд давлат тиббиёт университети

Диссертация ҳимояси Тошкент тиббиёт академияси, Республика ихтисослаштирилган эпидемиология, микробиология, юқумли ва паразитар касалликлар илмий-амалий тиббиёт маркази ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.30.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2025 йил «_____» _____ куни соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100151, Тошкент ш., Учтепа тумани, Заковат кўчаси, 2-уй. Тел/факс: (+99871) 243-36-05.

Диссертация билан Тошкент тиббиёт академияси Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100109, Тошкент шаҳри, Фаробий кўчаси, 2-уй. Тел.: (+998 78) 150-78-25).

Диссертация автореферати 2025 йил «_____» _____ куни тарқатилди.

(2025 йил «_____» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси)

Н.С. Атабеков

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси ўринбосари, тиббиёт фанлари доктори

Н.У. Таджиева

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Б.М. Таджиев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (докторлик (DSc) диссертациясининг аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. COVID-19 да микробларга қарши дори воситаларини оқилона тайинлаш ҳал қилувчи аҳамиятга эга, «...чунки бу иккиламчи бактериал ва замбуруғли инфекцияларни даволаш самарадорлигини ошириш ҳамда пандемиядан сўнг соғлиқни сақлашнинг глобал таҳдидларидан бирига айланган микробларга қарши чидамлилиқ ривожланиши хавфини камайтириш имконини беради»¹, шунингдек касалликнинг клиник ва лаборатория ташхисоти, кўзгатувчиларнинг дориларга чидамлилигини аниқлаш ва антибиотиклар тайинланишини назорат қилишни ўз ичига олган мажмуавий ёндашув даволашни оптималлаштиришга кўмаклашади ва микробларга қарши воситалардан ортиқча фойдаланишнинг олдини олади. Замоनावий ташхисот усуллари жорий этиш ва эмлашнинг микробларга қарши терапияга бўлган эҳтиёжга таъсирини таҳлил қилиш алоҳида аҳамият касб этади. Бу эса COVID-19 билан касалланган беморларда асоратларни олдини олиш ва даволашнинг самарали стратегияларини ишлаб чиқиш имконини беради.

Жаҳонда COVID-19 инфекциясида рационал антимикроб давони клиник-патогенетик асослаш самарадорлигига эришиш мақсадида қатор илмий-тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Бу борада, жумладан балғамни микробиологик текшириш натижаларини ҳисобга олган ҳолда COVID-19 билан касалланган беморларнинг клиник ва лаборатория маълумотларини ўрганиш, бактериал кўзгатувчиларнинг дориларга чидамлилигини аниқлаш, вирусга қарши, антибактериал ва антимикотик дори воситаларини танлашни асослаш, иккиламчи бактериал инфекция мавжуд бўлган беморларда бета-лактамаза фаоллигини аниқлаш, касалхонага ётқизилган беморларга антибактериал дориларни тайинлаш динамикасини асослаш, ZF-2001 рекомбинант вакцинаси билан эмлашнинг COVID-19 нинг клиник кечишига таъсири ва антимикроб препаратларни тайинлаш заруриятини асослаш кабилар катта аҳамият касб этади.

Мамлакатимизда тиббий хизматларни ривожлантириш ва жаҳон стандартларига мослаштириш, юқумли касалликларнинг ўзига хос белгиларини аниқлаш учун замоनावий технологиялардан фойдаланиш, шу жумладан янги коронавирус инфекциясини ўз вақтида ташхислаш ва оқилона даволашга қаратилган илмий тадқиқотларга алоҳида эътибор берилмоқда. Бунинг учун «...коронавирус инфекцияси тарқалишининг олдини олиш, уни даволашнинг замоनावий ва самарали усуллари кўллаш»² каби вазифалари белгиланган. Шу сабабли, замоनावий технологиялардан фойдаланган ҳолда COVID-19 инфекцияси билан касалланган беморларни ташхислаш ва даволаш усуллари такомиллаштириш орқали ўлим кўрсаткичини пасайтириш алоҳида аҳамият касб этади.

¹ Adebisi YA, Alaran AJ, Okereke M, et al. COVID-19 and Antimicrobial Resistance: A Review. Infect Dis (Auckl). 2021 Jul 31;14:11786337211033870. doi: 10.1177/11786337211033870.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 26 мартдаги 4649-сонли «Ўзбекистон Республикасида коронавирус инфекцияси кенг тарқалишининг олдини олишга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ги Қарори

Ушбу диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 25 июлдаги ПФ-6035-сонли «Коронавирус пандемияси таъсирини юмшатиш, аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги ва саломатлигини муҳофаза қилиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги Фармони, 2022 йил 29 январдаги ПФ-60-сонли «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида» ги Фармони, шунингдек, 2020 йил 12 ноябрдаги ПҚ-4891-сонли «Тиббий профилактика ишлари самарадорлигини янада ошириш орқали жамоат саломатлигини таъминлашнинг кўшимча чора-тадбирлари тўғрисида» ги Қарори ҳамда ушбу фаолиятга оид бошқа меъёрий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни маълум даражада амалга оширишга хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республикада фан ва технологиялар ривожланишининг VI устувор йўналиши «Тиббиёт ва фармакология» доирасида бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи³.

COVID-19 инфекциясининг ташхисоти, даволаш усуллари ва бактериал кўзгатувчиларнинг дориларга чидамлилигини аниқлашни такомиллаштиришга қаратилган илмий-тадқиқот ишлари ҳамда эмлашнинг COVID-19 нинг клиник кечишига таъсири ва антимикроб препаратларни тайинлаш заруриятини асослашга йўналтирилган илмий изланишлар дунёнинг қатор етакчи халқаро илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан Пастер номидаги Эпидемиология ва микробиология ИТИ (Россия Федерацияси); Guangzhou Medical University (Хитой), Université de Montpellier (Франция), University College of Medical Sciences (Ҳиндистон); University College London (Буюк Британия), Chinese Academy of Medical Sciences (Хитой), Johns Hopkins University (АҚШ), National Institutes of Health, Bethesda University of Minnesota (АҚШ), Karolinska University (Швеция), University of Torino, University of Ferrara (Италия), Республика ихтисослаштирилган эпидемиология, микробиология, юкумли ва паразитар касалликлар илмий-амалий тиббиёт марказида (Ўзбекистон) олиб борилмоқда.

Жаҳонда COVID-19 инфекциясини ташхислаш, даволаш ва ўзига хос профилактикаси муаммосининг амалий ечимига қаратилган тадқиқотлар натижасида қатор, жумладан, қуйидаги илмий натижалар олинган: SARS-CoV-2 га қарши стратегиялар исботланган (Université de Montpellier (Франция); Пастер номидаги Эпидемиология ва микробиология илмий-тадқиқот институти (Россия Федерацияси); бактериал инфекция бўлмаганда антибиотикларни тайинлашнинг ягона мезонлари йўқлиги чидамлиликнинг ошишига олиб келиши исботланган (University College of Medical Sciences (Ҳиндистон); COVID-19 инфекциясида микробларга қарши терапия

³ Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи. www.pasteurorg.ru; <https://www.gzhmu.edu.cn/english/>; <https://www.umontpellier.fr/>; <http://www.ucms.ac.in/>; <https://www.ucl.ac.uk/>; <http://en.cacms.ac.cn/>; <https://www.jhu.edu/>; www.nih.gov; www.twin-cities.unm.edu; <https://ki.se/>; www.en.unito.it; www.unife.it; www.riv.uz; www.uzinfectology.uz ва бошқа манбалар асосида амалга оширилди.

такомиллаштирилган (University College London, Буюк Британия); COVID-19 нинг оғир шаклларида бета-лактама антибиотикларини бета-лактамаза ингибиторлари билан биргаликда қўллаш самарадорлиги тасдиқланган (Chinese Academy of Medical Sciences, Guangzhou Medical University (Хитой)); периферик қондаги бета-лактамаза фаоллиги ва касалликнинг оғирлиги ўртасидаги боғлиқлик исботланган (Johns Hopkins University, National Institutes of Health, Bethesda University of Minnesota (АҚШ); касалхонага ётқизилган беморларнинг тахминан 34% иккиламчи бактериал ва замбуруғли инфекцияларга эга эканлиги асосланган (Каролинска University (Швеция)); микробларга қарши дори воситаларидан оқилона фойдаланиш масалалари ҳанузгача ҳал этилмаган (University of Torino, University of Ferrara (Италия); вирусга қарши, антибактериал ва антимикотик даволашни комплекс ўрганиш асосида COVID-19 да рационал антимиқроб терапияни клиник-патогенетик жиҳатдан асосланган (Республика ихтисослаштирилган эпидемиология, микробиология, юкумли ва паразитар касалликлар илмий - амалий тиббиёт маркази (Ўзбекистон).

Дунёда COVID-19 инфекциясини даволашни такомиллаштириш бўйича куйидаги устувор йўналишларда қатор илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда: балғамни микробиологик текшириш натижаларини ҳисобга олган ҳолда COVID-19 билан касалланган беморларнинг клиник ва лаборатория маълумотларини асослаш, вирусга қарши, антибактериал ва антимикотик дори воситаларини танлашни асослаш, иккиламчи бактериал инфекция мавжуд бўлган беморларда бета-лактамаза фаоллигини аниқлаш, ZF-2001 рекомбинант вакцинаси билан эмлашнинг COVID-19 нинг клиник кечишига таъсири ва антимиқроб препаратларни тайинлаш заруриятини асослаш, ҳамда иммунопрофилактикани такомиллаштириш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. COVID-19 пандемияси глобал муаммо бўлиб, клиник амалиёт ва далилларга асосланган тиббиёт ўртасидаги микробларга қарши даволаш учун қарама-қаршилиқларни юзага чиқарди. Кўплаб халқаро тадқиқотлар ва мета-таҳлиллар шуни кўрсатдики, бактериал коинфекцияларнинг тарқалиши кам бўлишига қарамай, COVID-19 билан касалхонага ётқизилган беморларнинг 70 фоиздан ортиғи антибиотиклар қабул қилган (Yang X. et al., 2024). Бундай номуносивлик дифференциал ташхиснинг мураккаблиги ва шифокорларнинг иккиламчи асоратлардан хавотирланиши билан боғлиқ. Шу билан бирга, иккиламчи инфекция кўзғатувчилари, айниқса *Klebsiella pneumoniae*, *Acinetobacter baumannii* ва *Pseudomonas aeruginosa* штамлари орасида антибиотикларга чидамлилиқнинг юқори даражаси аниқланди. Бу эса микробларга қарши назоратни кучайтириш ва антибиотиклардан оқилона фойдаланиш дастурларини жорий этиш зарурлигини тасдиқлайди (Langford BJ, 2023).

МДХ мамлакатларида ҳам COVID-19 да антибиотикларни эмпирик тайинлаш муаммоси жиддий тус олди. Россия, Қозоғистон, Беларус ва минтақанинг бошқа давлатларида ўтказилган тадқиқотлар шуни кўрсатадики, бактериал инфекцияларнинг лаборатория текшируви чекланган бўлишига қарамай, микробларга қарши дори-дармонларни қабул қилган беморларнинг

улуши 60-80% дан ошган (Синопальников А.И., 2021, Лавриненко А. ва бошқ., 2023). Госпитал штаммларнинг, айниқса ESKAPE патогенлари орасида чидамлилиги ортиб бораётгани алоҳида ташвиш уйғотмоқда (Semenova Y, 2024). Бир қатор мамлакатларда антибиотикларни нооқилона қўллашни чеклаш бўйича миллий протоколлар ва тавсиялар жорий этилган, аммо антимиқроб назорат ва лаборатория диагностикасини жорий этиш даражаси етарли эмас ва чидамлик тузилиши бўйича маълумотлар кўпинча тўлиқ эмас (Кривошеева Т. М., 2021).

Ўзбекистонда COVID-19 да микробларга қарши дори воситаларидан оқилона фойдаланиш муаммоси миллий даражада фаол ўрганилмоқда ва муҳокама қилинмоқда. Таҳлиллар шуни кўрсатадики, COVID-19 билан касалланган беморлар орасида антибиотикларни буюриш даражаси юқориликча қолмоқда - касалхонага ётқизилган барча ҳолатларнинг 57% гача, бу айниқса ESKAPE микроорганизмлари орасида антибиотикларга чидамликнинг ўсиши билан бевосита боғлиқ (Тожиддинова М., 2023). Маҳаллий олимларнинг тадқиқотлари *Acinetobacter spp.* ва *Enterobacter spp.* касалхона штаммларининг антибиотикларнинг асосий гуруҳларига, шу жумладан карбапенемлар ва фторхинолонларга юқори чидамлилигини тасдиқлайди (Aniyozova D. et al., 2024). Мамлакатда микробиологик мониторинг ва лаборатория диагностикасини такомиллаштириш дастурлари жорий этилмоқда, миллий тавсияларда эса антибиотикларни фақат бактериал инфекция тасдиқлангандагина буюриш зарурлиги таъкидланган (Абдухалилова Г.К., 2024). Шунга қарамай, даволашни оптималлаштириш ва чидамли штаммлар тарқалишининг олдини олиш учун устувор илмий тадқиқотлар ва микробларга қарши назоратнинг халқаро стандартларини мослаштириш зарурати сақланиб қолмоқда.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Республика ихтисослаштирилган эпидемиология, микробиология, юқумли ва паразитар касалликлар илмий-амалий тиббиёт марказининг илмий-тадқиқот ишлари режаларига мувофиқ, ҳамда, ушбу марказнинг Вирусология илмий-тадқиқот институти томонидан ўтказилган LKM-2020-NCV-GJ01 рақамли «18 ёш ва ундан катта ёшдаги одамларда COVID-19 профилактикаси мақсадида янги турдаги коронавирусуга қарши рекомбинант вакцина (СНО хужайралари) билан эмлашнинг самарадорлиги ва хавфсизлигини ўрганишга қаратилган рандомизацияланган, икки томонлама номаълум, плацебо назоратли клиник тадқиқот (III босқич)» доирасида амалга оширилди (2021-2023йй.).

Тадқиқотнинг мақсади COVID-19 инфекциясида рационал антимиқроб даवони клиник ва патогенетик асослашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

COVID-19 билан касалланган беморларнинг балғамини микробиологик текшириш натижаларини инобатга олган ҳолда уларнинг клиник-лаборатория кўрсаткичлари ва касаллик кечишининг оғирлигини аниқлаш;

COVID-19 да бактериал ва замбуруғли патогенларнинг ўзига хос хусусиятлари, уларнинг антибиотикларга сезgirлиги ва клиник маълумотларни ҳисобга олган ҳолда микробларга қарши дори воситаларини қўллашнинг асослилиги ва самарадорлигини ўрганиш;

иккиламчи бактериал инфекция билан асоратланган COVID-19 беморларда бета-лактамаза фаоллигини аниқлаш учун тест тизимининг ташхис қийматини белгилаш;

Global Point Prevalence Survey таҳлил маълумотларига кўра, COVID-19 билан касалхонага ётқизилган беморларда антибактериал дори воситаларини тайинлаш даражаси ҳамда бактериал инфекцияларнинг учраш даражасини аниқлаш;

ZF-2001 вакцинациясининг COVID-19 билан касалланиш ва клиник кечиши, оғир шакллариининг учраши, касалхонада даволаниш муддати ҳамда антимикроб препаратларини қўлланилишида самарадорлигини асослаш.

Тадқиқот объекти сифатида 18 ёш ва ундан катта бўлган, COVID-19 ташхиси тасдиқланган 672 нафар беморнинг тиббий маълумотлари ретроспектив ўрганилди ва таҳлил қилинди. Эмлаш самарадорлигини баҳолаш учун (тадқиқотнинг тўртинчи қисми) мазкур клиник тадқиқотда иштирок этган 6456 нафар соғлом кўнгиллиларнинг амбулатор карталари ўрганилди.

Тадқиқотнинг предмети сифатида беморлардан олинган вена қони, бурун халқум суртмаси, балғами ва ажратма материаллари олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот вазифаларини ҳал этиш ва мақсадга эришиш учун клиник, инструментал, бактериологик, серологик (иммунофермент ва иммунохемилюминесцент таҳлиллари), молекуляр-генетик (полимераза занжир реакцияси) ва статистик (Пирсон коэффициенти, хи квадрат (χ^2) ва Фишер усули) усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор COVID-19 билан касалланган беморларда касалликнинг оғирлик даражаси ва оқибатлари билан балғамдаги бактериал флоранинг аниқланиши ўртасида боғлиқлик мавжуд эмаслиги ва беморларни шифохонага ётқизилган илк кунларидан захира антибиотиклардан фойдаланиш зарурияти йўқлиги асосланган;

илк бор COVID-19 билан касалланган беморларда касаллик ўта оғир шаклда кечган ва вафот этган беморлардан *P.aeruginosa* нинг ажратилиши ишонарли равишда юқори эканлиги исботланган;

COVID-19 билан касалланган беморларга, антибиотикларни бактериал асоратларни олдини олиш учун (80,8%) буюриш касалликни кечиш оғирлиги ва шифохонада қолиш муддатини ҳамда ўлим хавфини камайтиришда самарали эмаслиги асосланган;

илк бор COVID-19 инфекцияси билан касалланган беморларда бета-лактамазани фаоллигини текшириш бета-лактамаз антибиотикларининг даволашда самарадорлигини баҳолаш учун зарурлиги асосланган;

ZF-2001 рекомбинант вакцинаси билан эмланган кўнгиллиларда COVID-19 билан касалланишни, касалликни оғир шакллариини ривожланиш хавфини

камайтириши ҳамда нораціонал антибиотик терапия эҳтимолини қисқартиришда самарадорлиги исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

COVID-19 билан оғриган беморларда шифохонада ташқари бактериал инфекция белгилари мавжуд бўлганда, учинчи авлод цефалоспорин ёки фторхинолон гуруҳидаги дори воситалари билан эмпирик антибактериал даволаш асосланган;

K.pneumoniae еки *E.coli* чақирган инфекциялар клиник ва лаборатор белгилари аниқланганда, цефалоспоринларнинг бета-лактамаза ингибиторлари ва карбапенемлар билан комбинациясига афзал танлов эканлиги аниқланган. *P.aeruginosa* билан касалланиш хавфи бўлган беморлар учун карбапенемлар ва учинчи авлод аминогликозидларни комбинацияси билан даволаш асосланган;

бета-лактамаз антибиотиклари билан даволашга жавоб бермайдиган беморларда, даволаш муваффақиятсизлигининг мумкин бўлган сабабларини аниқлаш ва антибактериал терапияни коррекцияси мақсадида зардобдаги бета-лактамаза фаоллигини аниқлаш зарурлиги асосланган;

шифохоналарда антимиқроб терапиянинг рационал қўлланилишини мониторинги учун Global Point Prevalence Survey (GLOBAL-PPS) бир муддатлик таҳлилини мунтазам равишда қўллаш асосли эканлиги исботланган;

COVID-19 га қарши ZF-2001 рекомбинант вакцинаси билан эмлашни тавсия этиш касалликнинг оғир шакллари, касалхонага ётқизиш ҳолатлари ва антибиотиклар қўлланилишини камайтиришга ёрдам бериши, шунингдек, юқори даражадаги профилактик, клиник ва иқтисодий самарадорликни таъминлаши исботланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, беморлар сонининг етарли эканлиги, тадқиқотларда қўлланилган замонавий ўзаро бир-бирини тўлдирувчи клиник, инструментал, бактериологик, серологик, молекуляр-генетик ва статистик усуллар, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлангани билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти, COVID-19 билан касалланган беморларда касалликнинг оғирлик даражаси ва оқибатлари билан балғамдаги бактериал флоранинг аниқланиши ўртасида боғлиқлик мавжуд эмаслиги, беморларни шифохонага ётқизилган илк кунларидан заҳира антибиотиклардан фойдаланиш зарурияти мавжуд эмаслиги, беморларда бета-лактамазани фаоллигини текшириш бета-лактамаз антибиотикларининг даволашда самарадорлигини баҳолаш учун зарурлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти, бемор саломатлигининг тез қайта тикланиши ва эрта ташҳисоти ҳамда асоратларнинг олдини олиш, ўлим кўрсаткичини камайтириш, микробларга қарши дори воситаларидан фойдаланишни мониторинг қилиш учун Global Point Prevalence Survey

услугининг самарадорлиги ва беморларнинг шифохонада даволанишига сарфланадиган харажатларни камайтириш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий-техник кенгашнинг 2025 йил 22 майдаги 18/42-сонли мажлис баённомасига асосан илмий-тадқиқот ишлари натижаларини амалиётга тадбиғи бўйича хулосасига кўра:

биринчи илмий янгилик: илк бор, COVID-19 билан касалланган беморларда касалликнинг оғирлик даражаси ва оқибатлари билан балғамдаги бактериал флоранинг аниқланиши ўртасида боғлиқлик мавжуд эмаслиги ва беморларни шифохонага ётқизилган илк кунларидан заҳира антибиотиклардан фойдаланиш зарурияти йўқлиги асосланганлиги бўйича таклифлар Республика ихтисослаштирилган эпидемиология, микробиология, юқумли ва паразитар касалликлар илмий-амалий тиббиёт марказининг (РИЭМЮПКИАТМ) экспертлар кенгаши томонидан 2024 йил 14 февралда тасдиқланган (№1 н-з/37) «Коронавирус инфекциясида оқилона антимиқроб даволаш тамойиллари» номли услубий тавсиянома мазмунига киритилган. Мазкур тавсиянома Бухоро вилояти юқумли касалликлар шифохонасининг 2024йил 9-январдаги 18-сон ва Республика ихтисослаштирилган Зангиота 1-сон шифохонасининг 2024йил 10-январдаги 9-п сон буйруқлари билан амалиётга жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий-техник кенгашнинг 2025 йил 22 майдаги 18/42-сонли хулосаси). *Ижтимоий самарадорлиги:* тадқиқот натижаларининг жорий этилиши антибиотикларни асоссиз тайинлашни чеклаш орқали COVID-19 билан касалланган беморларда ножўя таъсирлар ва асоратлар ривожланиши хавфининг олдини олиш имконини беради. *Иқтисодий самарадорлиги:* заҳира антибиотиклар билан даволаш курсининг ўртача нархи 806000 (544000-1032000) сўмни ташкил этишини инобатга олган ҳолда COVID-19 да асосли антимиқроб терапияни ўтказишдан иборат;

иккинчи илмий янгилик: илк бор, COVID-19 билан касалланган беморларда касаллик ўта оғир шаклда кечган ва вафот этган беморлардан *Pseudomonas aeruginosa* нинг ажратилиши ишонарли равишда юқори эканлиги бўйича таклифлар РИЭМЮПКИАТМ экспертлар кенгаши томонидан 2024 йил 14 февралда тасдиқланган (№1 н-з/37) «Коронавирус инфекциясида оқилона антимиқроб даволаш тамойиллари» номли услубий тавсиянома мазмунига киритилган. Мазкур тавсиянома Бухоро вилояти юқумли касалликлар шифохонасининг 2024йил 9-январдаги 18-сон ва Республика ихтисослаштирилган Зангиота 1-сон шифохонасининг 2024йил 10-январдаги 9-п сон буйруқлари билан амалиётга жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий-техник кенгашнинг 2025 йил 22 майдаги 18/42-сонли хулосаси). *Ижтимоий самарадорлиги:* олинган натижалар хавф гуруҳидаги беморларни башорат қилиш ва ўз вақтида аниқлаш имконини беради, шунингдек, мақсадли терапия ўтказиш COVID-19 билан касалланган ўта оғир беморлар орасида ўлим ҳолатларини камайтиришга ёрдам беради. *Иқтисодий самарадорлиги:* COVID-19 нинг ўта оғир шакли билан касалланган

беморларни оқилона микробларга қарши даволаш, интенсив терапия бўлимида псевдомонас инфекциясининг бир ҳолатини даволашнинг ўртача нархини ҳисобга олган ҳолда, ҳар бир бемор учун тўғридан-тўғри тиббий харажатларни тахминан 3050000 сўмга тежаш имконини беради;

учинчи илмий янгилик: COVID-19 билан касалланган беморларга, антибиотикларни бактериал асоратларни олдини олиш учун (80,8%) буюриш касалликни кечиш оғирлиги ва шифохонада қолиш муддатини ҳамда ўлим хавфини камайтиришда самарали эмаслиги асослангани бўйича таклифлар Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 21 апрелдаги 82-сонли буйруғи билан тасдиқланган «Коронавирус инфекцияси билан касалланган беморларни даволаш бўйича вақтинчалик тавсиялар» мазмунига киритилган. Ушбу тавсия барча даволаш профилактика муассасаларида жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий-техник кенгашнинг 2025 йил 22 майдаги 18/42-сонли хулосаси). *Ижтимоий самарадорлиги:* Тадқиқот натижаларини амалиётга татбиқ этиш антибиотикларга чидамлилиқ ривожланиши хавфини камайтириш, беморлар учун даволаш хавфсизлигини ошириш ва нохуш ҳодисалар юзага келиш эҳтимолини пасайтириш имконини беради. *Иқтисодий самарадорлиги:* COVID-19 билан касалланган беморларга антибиотикларни профилактика мақсадида тайинлашдан асосли равишда воз кечиш соғлиқни сақлаш тизими учун касалхонага ётқизилган ҳар бир бемор ҳисобига 544300 сўмдан 1032000 сўмгача маблағни тежаш имконини беради;

тўртинчи илмий янгилик: илк бор, COVID-19 инфекцияси билан касалланган беморларда бета-лактамазани фаоллигини текшириш бета-лактамаз антибиотикларининг даволашда самарадорлигини баҳолаш учун зарурлиги бўйича таклифлар Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 21 апрелдаги 82-сонли буйруғи билан тасдиқланган «Коронавирус инфекцияси билан касалланган беморларни даволаш бўйича вақтинчалик тавсиялар» мазмунига киритилган. Ушбу тавсия барча даволаш профилактика муассасаларида жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий-техник кенгашнинг 2025 йил 22 майдаги 18/42-сонли хулосаси). *Ижтимоий самарадорлиги:* тадқиқот натижаларини жорий этиш антибактериал терапияни индивидуаллаштириш ва самарадорлигини ошириш имконини беради, бу эса клиник натижаларнинг яхшиланишига ва самарасиз дори тавсиялари сонининг камайишига олиб келади, шунингдек, асоратлар ривожланиш хавфини пасайтиради. *Иқтисодий самарадорлиги:* COVID-19 билан касалланган беморларда бета-лактамазаларни аниқлашни жорий этиш антибиотикларнинг самарасиз курсларини камайтириш, касалхонада даволаниш муддатини қисқартириш ва асоратларнинг олдини олиш ҳисобига ҳар бир бемор учун 320000 сўмгача маблағни тежаш имконини беради;

бешинчи илмий янгилик: ZF-2001 рекомбинант вакцинаси билан эмланган кўнгиллиларда COVID-19 билан касалланишни, касалликни оғир шаклларини ривожланиш хавфини камайтириши ҳамда нораціонал антибиотик терапия эҳтимолини қисқартиришда самарадорлиги исботланган. Бу маълумот Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 21 апрелдаги 82-сонли буйруғи

билан тасдиқланган «Коронавирус инфекцияси билан касалланган беморларни даволаш бўйича вақтинчалик тавсиялар» мазмунига киритилган. Ушбу тавсия барча даволаш профилактика муассасаларида жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий-техник кенгашнинг 2025 йил 22 майдаги 18/42-сонли хулосаси). *Ижтимоий самарадорлиги:* ZF-2001 рекомбинант вакцинаси билан эмлашни жорий этиш аҳоли ўртасида COVID-19 билан касалланиш даражасини ва унинг оғир кечишини камайтиришга ёрдам беради, касалхонага ётқизиш ва интенсив терапияга бўлган эҳтиёжни пасайтиради, бу эса соғлиқни сақлаш тизимида тушадиган юкломани енгиллаштиради. *Иқтисодий самарадорлиги:* Тадқиқот натижаларини жорий этиш касалхонада даволаниш муддатини қисқартириш ва тайинланадиган антибиотиклар миқдорини камайтириш орқали соғлиқни сақлаш тизими учун ҳар бир беморга 806000 сўмни тежайди, шунингдек, COVID-19 нинг оғир шакллари хавфини камайтиради.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 10 та илмий-амалий анжуманда, жумладан 2 та халқаро ва 8 та республика миқёсидаги илмий-амалий конференцияларда муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 26 та илмий ишлар чоп этилган бўлиб, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 11 та мақола, жумладан 9 таси республика ҳамда 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, олгита боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 199 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотнинг аҳамияти ва зарурлиги асосланади, унинг мақсад ва вазифалари шакллантирилади, ўрганиш объектлари ва предметлари белгиланади, шунингдек, ишнинг республика фан ва техникасини ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилади. Бундан ташқари, олинган натижаларнинг илмий янгилиги ва амалий аҳамияти келтирилиб, уларнинг илмий-амалий аҳамияти тавсифланади, натижаларни амалиётга татбиқ этиш тўғрисида маълумотлар, чоп этилган илмий мақолалар, диссертациянинг ҳажми ва тузилиши ҳақида маълумотлар келтирилади.

Диссертациянинг «**COVID-19 пандемияси шароитида антимиқроб даволаш ва антибиотик резистентликка олиб келувчи омиллар (адабиётлар шарҳи)**» деб номланган биринчи бобида иш мавзусига оид илмий адабиётларнинг таҳлили берилган. Ушбу бобда янги коронавирус инфекцияси патогенези, COVID-19даги бактериал ва замбуруғли инфекциялар, уларнинг спектри, учраш даражаси ва антибиотикларга чидамлилиги, шунингдек, COVID-19 учун микробларга қарши терапияга

замонавий ёндашувлар ҳақида сўз боради. Бундан ташқари, ушбу бобда COVID-19 га қарши эмлашнинг касалликнинг клиник кечишига таъсири, шунингдек, антимикроб дори воситаларини тайинлаш масалалари ҳам тавсифланган.

Диссертациянинг «COVID-19 инфекциясида рационал антимикроб даवони клиник-патогенетик асослаш бўйича материал ҳамда текшириш усуллари» деб номланган иккинчи бобида тадқиқот дизайни, беморларни танлаш ва маълумотлар тўплаш, ўрганилаётган контингент умумий тавсифи, мавзу, объект ва қўлланиладиган тадқиқот усуллари ёритилган. COVID-19 ташхисининг диагностика мезонлари ва оғирлиги батафсил тавсифланган.

Инструментал усуллар (рентгенография, МСКТ) ёрдамида текширилган беморларда ўпка шикастланишининг тарқалиши тўғрисидаги маълумотлар таҳлил қилинди.

Молекуляр генетик тадқиқотлар. SARS-CoV-2 вируси РНКсини ажратиб олиш ва полимераза занжири реакцияси ишлаб чиқарувчининг махсус кўрсатмалари асосида амалга оширилди.

Бактериологик текширув усуллари. Барча беморларда ISO 15189 стандарти бўйича аккредитациядан ўтган Микробларга қарши чидамлик маркази лабораториясида ҳамда 1-сонли «Зангиота» ихтисослаштирилган шифохонасининг бактериологик лабораториясида балғамнинг бактериологик таҳлили ўтказилди.

Периферик қоннинг бета-лактамаза фаоллигини аниқлаш учун синтетик цефалоспорин антибиотики нитросефиннинг бета-лактама боғланишининг парчаланиши натижасида ранги ўзгаришига асосланган усул қўлланилди.

Антимикроб терапияни таҳлил қилиш. Антимикроб терапияни таҳлил қилиш учун микробларга қарши дориларни қўллаш амалиётини кесишган тадқиқот методологияси (2022 GLOBAL-PPS) - The Global Point Prevalence Survey of Antimicrobial Consumption and Resistance ишлатилган.

Статистик усуллар: Маълумотларни таҳлил қилиш ва график тақдимот учун махсус дастурий воситалар «SPSS» (версия 29, IBM, США), SAS JMP 17.0 и GraphPad Prism 8.0 ишлатилган. Маълумотлар тақсимотининг нормаллигини текшириш учун Шапиро-Уилк ва Колмогоров-Смирнов тестлари қўлланилди. Вариацион параметрларга ўртача арифметик (M), стандарт оғиш (σ) ва нисбий қийматлар (частота, %) киради. Миқдорий кўрсаткичлар медиан (Me), пастки ва юқори кваттиллар (Q_{25} - Q_{75}) ёрдамида тасвирланган. Гуруҳларни солиштириш учун Манн-Уитни U тести икки гуруҳнинг миқдорий маълумотларини солиштириш учун ишлатилган ва Краскел-Уоллис тести одатдагидан фарқли тақсимотлар билан бир нечта намуналарни солиштириш учун ишлатилган. Сифат қийматларини солиштириш учун χ^2 тести ва Фишернинг аниқ тести ишлатилган. Параметрларни бир нечта таққослаш учун Бонферрони тузатиш P -қийматларини сошлаш ва I турдаги хатоларни минималлаштириш учун ишлатилган.

Ушбу тадқиқотлар Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Этика қўмитасининг 2020-йил 10-декабрда ўтказилган йиғилишида тасдиқланган 8/1-1467-сонли рухсатнома асосида бажарилди.

Диссертациянинг «COVID-19 инфекцияси кечишининг иккиламчи инфекция аниқланишига боғлиқ ҳолда клиник ва лаборатория хусусиятлари» деб номланган учинчи бобида COVID-19 билан касалланган, ҳамда бактериялар ва замбуруғли қўзғатувчилар аниқланган беморларда клиник ва лаборатория маълумотларининг таҳлили натижалари баён этилган.

Тадқиқотга киритишнинг асосий мезонларидан бири — COVID-19 билан касалланган беморларда балғамнинг бактериологик текшируви натижасининг мавжудлиги эди. Улар орасида 367 нафар (54,6%) бемор касалхонага ётқизилгандан кейинги дастлабки 48 соат ичида балғам топширган бўлса, қолган 305 нафар беморлар балғамни 48 соатдан кейин топширган. Балғамнинг бактериологик текшируви давомида 232 нафар (34,5%) COVID-19 билан касалланган беморларда патоген бактериялар аниқланган. 440 нафар (65,5%) беморларда эса бактериялар инфекциялар аниқланмаган, яъни бактериологик таҳлил натижаси манфий бўлган.


Барча текширилган беморларнинг учдан бир қисмидан 232 нафар (34,5%) ҳолатда аниқланган иккинчи даражали бактериялар инфекциялар қуйидаги патогенлар билан ифодаланган: *K. pneumoniae* – 110 (16,4%), *S. aureus* – 82 (12,2%), *E. coli* – 38 (5,6%), *S. pneumoniae* – 14 (2,6%), *Str. pyogenes* – 12 (1,8%), *P. aeruginosa* – 5 (0,7%), *E. faecalis* – 2 (0,3%) ва *A. baumannii* – 1 (0,1%) (1-жадвал).

1-жадвал

COVID-19 билан касалланган беморларда патоген бактериялар инфекциялар спектри, n=672

Грам-манфий бактериялар, n (%)		Грам-мусбат бактериялар, n (%)	
<i>K. pneumoniae</i>	110 (16,4)	<i>S. aureus</i>	82 (12,2)
<i>E. coli</i>	38 (5,7)	<i>S. pneumoniae</i>	14 (2,1)
<i>P. aeruginosa</i>	5 (0,7)	<i>S. pyogenes</i>	12 (1,8)
<i>A. baumannii</i>	1 (0,1)	<i>E. faecalis</i>	2 (0,3)
Жами	154 (22,9%)	Жами	110 (16,4%)

Энг кўп учраган патогенлар *K. pneumoniae*, *S. aureus* ва *E. coli* бўлди. Шу билан бирга, 32 нафар беморда (5%) микст инфекциялар аниқланган ва уларнинг ярмидан кўпида *K. pneumoniae* ҳамда *S. aureus* микст инфекцияси кузатилган (1-расм).



1-расм. COVID-19 билан касалланган беморларда бактериал инфекциялар тарқалиши (%) (n=672)

COVID-19 билан касалланган беморларда бактериал инфекция аниқланишига кўра патоген бактериялар топилган беморлар ва патоген бактериялар аниқланмаган беморлар гуруҳи орасидаги клиник ва лаборатория кўрсаткичларининг қиёсий таҳлили ўтказилди. 2-расмдаги доиравий диаграммалар COVID-19 оғирлик даражасининг (ўрта, оғир ва ўта оғир) икки гуруҳга бўлинган беморлар орасида тақсимланишини кўрсатади: бактериал инфекция аниқланган ва аниқланмаган.



2-расм. COVID-19 оғирлик даражасига кўра беморларнинг бактериал инфекция аниқланишига бўйича тақсимланиши

Бактериал инфекция аниқланган гуруҳда касалликларнинг кўп қисми (57,3%) ўрта оғирликда, инфекция аниқланмаган гуруҳда эса бу кўрсаткич бироз паст (55,2%) ва оғир ҳолатлар улуши бироз юқори (37,5% га нисбатан 35,5%). Иккала гуруҳда ҳам ўта оғир ҳолатлар улуши бир хил - 7,3%.

Турли оғирлик даражасидаги беморларда иккиламчи бактериал флоранинг учрашини таққослаганда, асосий касалликнинг маълум бир оғирлиги учун аниқланиш даражаси ўзига хос эмаслиги маълум бўлди ($p > 0,05$). Ажратилган бактериал инфекциялар спектри COVID-19 клиник кечишининг оғирлик гуруҳлари бўйича энг кўп аниқланган кўзгатувчиларнинг учраш даражасида фарқ кузатилмади (2-жадвал).

2-жадвал

COVID-19 нинг кечиш оғирлигига кўра, беморларда бактериал кўзгатувчиларнинг аниқланиши натижалари, n (%)

Аниқланган бактериал кўзгатувчилар	Ўрта оғир	Оғир кечиш	Ўта оғир кечиш	P χ^2 Pearson
<i>Kl. pneumoniae</i>	61 (55,4)	41 (37,3)	8 (7,3)	>0,05
<i>S. aureus</i>	52 (63,4)	27 (32,9)	3 (3,7)	>0,05
<i>E. coli</i>	26 (68,4)	11 (28,9)	1 (2,7)	>0,05
<i>Str. pneumoniae</i>	5 (35,7)	7 (50)	2 (14,3)	>0,05
<i>Str. pyogenes</i>	5 (41,7)	5 (41,7)	2 (16,6)	>0,05
<i>E. faecalis</i>	-	2 (100)	-	>0,05
<i>A. baumannii</i>	-	1 (100)	-	>0,05
<i>P. aeruginosa</i>	1 (20)	2 (40)	2 (40)	<0,05

E. faecalis ва *A. baumannii* фақат касаллик оғир кечган беморларда аниқланди. Кўзгатувчилар бўйича иккиламчи бактериал инфекциянинг учраши ҳам деярли бир хил эди, фақат *P. aeruginosa* оғир турдаги беморларда кутилганидан кўра кўпроқ учради ($p < 0,05$).

Тадқиқотимизда ўрганилган беморлар орасида жами 37 та ўлим ҳолати кузатилгани қайд этилди. Балғамда бактериал инфекция аниқланган 232 нафар беморнинг 13 нафарида (5,6%) ўлим юз берди. Балғам таҳлили манфий чиққан 440 нафар бемордан иборат гуруҳда эса 24 нафар (5,4%) бемор вафот этди. Солиштирилаётган гуруҳлардаги ўлим фоизи деярли бир хил. Бу гуруҳлар ўртасида сезиларли фарқ йўқлигини статистик маълумотлар ҳам тасдиқлайди ($p > 0,05$). Демак, балғамда аниқланган бактериал инфекция ушбу беморларда COVID-19 касаллигининг оқибатига сезиларли таъсир кўрсатмаган.

Иккиламчи бактериал инфекция аниқланган беморлар бактериал текширув натижалари манфий бўлган беморлардан статистик жиҳатдан сезиларли фарқ қилди. Бироқ, бу фарқ иккиламчи бактериал инфекцияси бўлмаган беморларда интоксикация синдроми кўпроқ аниқланганида намоён бўлди. Иккиламчи бактериал кўзгатувчилар аниқлаши таққослаганда, яллиғланиш ва бактериал инфекцияларнинг асосий лаборатория кўрсаткичлари сезиларли фарқларга эга бўлмади.

Бактериал инфекция аниқланган COVID-19 ташхисли беморларда лаборатория кўрсаткичлари (лейкоцитлар, ЭЧТ, С-реактив оксил, прокалцитонин, Д-димер, интерлейкин-6) даражасида, қабул қилиниш пайтида ҳам, касаллик кечиши давомида ҳам бактериал инфекциясиз беморларга нисбатан статистик жиҳатдан сезиларли фарқлар кузатилмади (барча кўрсаткичлар учун $p > 0,05$). Бироқ, иккиламчи бактериал инфекцияларни ҳисобга олган ҳолда (фақат бактериал инфекция аниқланган беморларда ўтказилган таҳлил) прокалцитонин даражасининг бошланғич ва кейинги ўзгаришлари фақат касалликнинг ўртача оғир кечишидаги беморларда сезиларли даражада фарқ қилгани аниқланди. Бу ҳолат бактериал инфекция белгиси сифатида прокалцитонин даражасига кучли таъсир кўрсатадиган антибиотикларнинг назорат қилинмаган ҳолда тайинланиши билан боғлиқ бўлиши мумкин.

Касалликнинг ўртача оғир кечиши кузатилган беморлар гуруҳида антибиотик қабул қилмаган беморлар сезиларли даражада кўп эди. Шу сабабли, бу гуруҳни таҳлил қилиш бошқа гуруҳларга нисбатан прокалцитонин даражасидаги ўзгаришларни аниқлаш ва антибиотик даволашни тайинлаш учун маркер сифатида қўллаш мақсадга мувофиқроқдир.

Шундай қилиб, балғамни бактериологик текширишда COVID-19 билан касалланган 232 (34,5%) беморларнинг балғамида патоген бактериялар аниқланди. COVID-19 ташхиси билан касалхонага ётқизилган беморларда бактериал инфекциянинг кечроқ аниқланиши, бактериал инфекциянинг аниқланиши ва касалхонага ётқизилгандан кейин балғам топширишгача бўлган вақт ўртасидаги статистик жиҳатдан муҳим боғлиқлик, шунингдек, бактериал инфекция билан касалланган беморларда COVID-19 оғирлик даражаси бўйича қўшимча касалликларнинг аҳамиятсизлиги касалхона ичи юқишининг юқори эҳтимолини кўрсатади. Балғамда иккиламчи бактериал флоранинг мавжудлиги COVID-19 нинг кечиш оғирлиги ва натижаларига сезиларли таъсир кўрсатмайди.

Энг кўп ажратиб олинган бактериялар *Klebsiella pneumoniae*, *Staphylococcus aureus* ва *Escherichia coli* ҳисобланади. Ажратиб олинган бактериялар спектри ҳам оғир беморларда кўпроқ учрайдиган *Pseudomonas aeruginosa* дан ташқари, COVID-19 нинг кечиш оғирлигига сезиларли даражада боғлиқ эмас.

Иккиламчи бактериал инфекцияси мавжуд бўлмаган беморларда кўпроқ учрайдиган заҳарланиш синдромидан ташқари, клиник синдромларда (иситма, йўтал, нафас қисилиши ва бошқалар) статистик жиҳатдан сезиларли фарқларнинг йўқлиги негизида яллиғланиш ва бактериал инфекциянинг стандарт лаборатория кўрсаткичлари (лейкоцитлар, ЭЧТ, С-реактив оксил, прокалцитонин, Д-димер, интерлейкин-6) COVID-19 билан касалланган беморларда бактериал инфекциянинг мавжудлиги ёки йўқлигини ишончли аниқлаш имконини бермайди ($p > 0,05$).

COVID-19 нинг оғир ва ўта оғир шакллари билан касалланган беморларда прокалцитонин даражаси динамикасининг йўқлиги антибиотикларни эрта ва тез-тез қўллаш билан боғлиқ бўлиши мумкин. Антибиотикларни олдиндан

тахлил ўтказмасдан буюриш ушбу тестнинг маълумот бериш қобилиятини пасайтириши эҳтимоли мавжуд.

Тадқиқотга киритилган барча беморларнинг балғами микологик текширувдан ўтказилган бўлиб, уларнинг 36,6% (n=246) да *Candida albicans* замбуруғлари мавжудлиги аниқланган. *Candida albicans* замбуруғларидан ташқари бошқа замбуруғли инфекциялар микологик текширувлар натижасида аниқланмаган. Қолган 426 (63,4%) беморларда эса таҳлил натижаси манфий бўлган.

Диссертациянинг «COVID-19 билан касалланган беморларда антимикроб терапия хусусиятларини ўрганиш натижалари» деб номланган тўртинчи бобида COVID-19 билан оғриган беморларга вирусга қарши, антибактериал ва замбуруғга қарши дори воситаларини тайинлашнинг асослилиги ҳамда клиник самарадорлиги бўйича олиб борилган тадқиқот натижалари баён этилган.


COVID-19 нинг клиник кечишига ремдесивирнинг таъсирини анамнестик маълумотлар, касаллик тарихи, қабул пайтидаги жисмоний кўрсаткичлар, клиник ва лаборатория маълумотлари каби кўплаб кўрсаткичлар фарқини таҳлил қилиш орқали ўргандик. Ремдесивирни қўллашнинг эҳтимолий сабаблари ва мумкин бўлган фойдасини кўриб чиқиш тартиби жадвал кўринишидаги категорик маълумотларни, сўнгра диаграммалар кўринишидаги узлуксиз маълумотларни намойиш этишдан бошланади. Статистик ҳисоб-китоблар I турдаги хатоларни истисно қилиш учун кўп сонли ҳисоб-китобларни қўллашга тузатишлар киритиш билан амалга оширилди (Бонферрони тузатиши).

$p > 0,05$ қиймат гуруҳлар ўртасидаги натижалардаги фарқлар статистик жиҳатдан аҳамиятли эмаслиги аниқланди (3-расм). Ушбу тадқиқотда COVID-19 билан касалланган беморларга ремдесивир буюриш соғайиш ёки вафот этиш эҳтимолини сезиларли даражада ўзгартирмайди.



3-расм. COVID-19 нинг оқибати ва Ремдесивир буюрилишига кўра беморларнинг сони, n (%)

Қиёсий гуруҳлар ўртасидаги асоратлар учраш даражасидаги фарқлар ҳам статистик жиҳатдан аҳамиятли эмас - $p>0,05$ (4-расм).




4-расм. COVID-19 нинг асоратлари ва Ремдесивир буюрилишига кўра беморларнинг сони, n (%)

Шундай қилиб, кўпгина кўрсаткичлар бўйича сезиларли фарқларнинг йўқлиги ремдесивир ва фавипиравир тайинланиши аниқ клиник ёки лаборатория мезонларига асосланмаганлигини кўрсатиши мумкин.


COVID-19 билан касалланган беморларга антибиотик терапияси тайинланишининг сабаблари ва самарадорлигини ўрганилди. Тадқиқотга киритилган 672 нафар бемордан жами 542 (79,6%) нафарига антибиотиклар қўлланилди. COVID-19 ни даволашда антибиотик терапиянинг умумий тавсифини кўрсатиш учун тадқиқот гуруҳидаги беморларда антибиотикларни қўллашнинг умумлаштирилган таҳлили тақдим этилди.

Шунингдек, COVID-19 билан оғриган беморларда антибиотиклар қўлланилиш сабаблари ва самарадорлиги таҳлил этилди. Тадқиқотга жалб қилинган 672 нафар беморнинг 542 таси (79,6%) антибиотик қабул қилган. COVID-19 да антибиотик билан даволашнинг умумий манзарасини кўрсатиш мақсадида тадқиқот гуруҳидаги беморларда антибиотиклар қўлланилишининг умумлаштирилган таҳлили ўтказилди. Левофлоксацин (LEV) энг кўп беморларга - 179 (26,6%) нафарга тайинланган. Цефоперазон/сулбактам (CFZ-S) ва меропенем (MER) ҳам кенг қўлланилиб, мос равишда 168 (25%) ва 139 (20,7%) беморда ишлатилган. Азитромицин (AZM) ва амоксициллин/клавуланат (AMC) 134 (19,9%) ва 92 (13,7%) беморда қўлланилган. Ванкомицин (VAN) ва клиндамицин (CLA) каби камроқ қўлланилган антибиотиклар 20 дан кам беморда тайинланган (5-расм). Комбинациялашган антибиотик даволаш усули 277 (41,2%) беморда қўлланилган.



5-расм. COVID-19 билан касалланган ва антибиотик буюрилган беморлар сони


